

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИДА АҲОЛИ ИЖТИМОЙ ТУРМУШИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Икром Бобоқулович Мирзаев

Тошкент давлат транспорт университети катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг натижаларини ақс эттирилишининг таҳлили кўрсатилган.

Калит сўзлар: ислохот, фаолият, ривожланиш, давлат сиёсати

КИРИШ

Мамлакатимизда асрлар мобайнида одамлар турмуш тарзининг муҳим бўғини саналган ижтимоий соҳалар ривожига катта эътибор қаратилган. Бугунги кунда ушбу соҳаларнинг имкониятлари кўламини кенгайтиришга жиддий эътибор берилаётганлиги ҳамда у давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги бежиз эмас. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, “Энг асосий устувор вазифа–“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этишдан иборат”.

Мана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб замон талабини ҳис этмасдан эскича ишлашга энди ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Халқимиз бугун катта орзу умидлар билан яшайпти. Бу орзу-умидларни ким амалга оширади? Аввало мана шу залда ўтирган раҳбарлар, мутасадди ва мутахассислар, навқирон ёшларимиз. Бунинг учун бизда куч ва имкониятимиз, билим ва салоҳият ҳам қатъий ирода, интилиш ва азму шижоат ҳам етрали”.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Сўнгги йилларда мамлакатимиз давлат бюджетининг 59-60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилган. 2018 йилгача бўлган даврда аҳолининг кенг имкониятларини инобатга олиб ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 905 миллиард сўмни, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 450 миллиард сўмни ташкил этган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида тадбиркор аёллар учун Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалар жамғармаси

маблағлари ҳисобидан 218 минг евро миқдорда микрокредитлар ажратилган.

Айниқса аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ёрдамга муҳтожларга, хусусан, кўп болали, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора тадбирлар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилганлиги ҳам бежиз эмас. Бунда айниқса соғлом авлод ва унинг жисмоний ҳамда маънавий тарбияси муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда маҳалла тизимининг ўрни бекиёсдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 437-сонли қарорига асосан вояга етмаган (16 ёшгача болалари бўлган, шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача болалари бўлган) оилаларга нафақа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади ва тўланади.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага энг муҳтож қатламларидан бири—бу кам таъминланган оилалардир. Кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли қароридан кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби баён этилган.

Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя тизимини яратишдан мақсад-инсон учун муносиб турмуш шароитларини яратишдир. Бу ҳол мамлакатда кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг тадрижий ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

Биринчидан, мамлакатнинг географик ўрни, табиий иқлим шароити барча жойларда аҳолининг бирдек ишлаб чиқариш, кишлоқ хўжалиги, чорвачилик соҳалари билан тўла шуғулланиш имкониятини бермайди. Чунки, мамлакат аҳолисининг катта қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул. Ушбу соҳалардан келаётган даромадлар оила эҳтиёжини тўла таъминлаш имкониятини бермаётганлиги боис, кўп болали оилаларда ижтимоий ҳимояга эҳтиёж туғилади;

Иккинчидан, демографик вазият, яъни аҳоли сонининг муттасил ўсиши, мамлакатда ҳамон туғилишнинг бирмунча юқори кўрсаткичи сақланиб қолаётганлигидир. Бу эса мамлакатда ёшлар салмоғининг юқорилиги билан изоҳланади.

Агар яқин тарихимизга мурожаат этадиган бўлсак, 2009 йилдан буён барча қишлоқ маҳаллаларида намунавий лойиҳалар асосида турар-жойларни қуриш кўлами кенгайган эди. Мазкур дастур асосида қурилаётган уйлар сони ўша кезларда қарийб 23 мингтага етган бўлиб, шундан 6800 таси 2010 йилда, 7400 таси 2011 йилда 8510 таси 2012 йилда қурилган. Масалан, 2012-2013 йилларда ёш оилаларга ҳар бири 48 та хонадонга эга бўлган 100 та қўп қаватли уй-жой қуриш ишлари амалга оширилган. 2011 йилда 7 минг 400 та оила умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метр бўлган, ҳар томонлама қулай уй-жойларга, замонавий шароитларга эга бўлган хонадонга эга бўлган бўлса, 2012 йилда 8 минг 510 та оила шаҳар шароитидан кам бўлмаган ана шундай янги уй-жойларга кўчиб ўтганлар. Яна 2012 йилнинг ўзида 2 минг 400 та хонадон фойдаланишга топширилган бўлса, 2013 йилда яна шунча хонадон қуриб ишга туширилган. Ана шундай уйларни сотиб олишда қулайликлар яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилган.

ХУЛОСА

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан мамлакатда “Обод қишлоқ” дастури тўғрисидаги қарорига кўра узоқ йиллар оғир аҳволга тушиб қолган, ҳатто яшаш учун оддий шароитлар ҳам бўлмаган қишлоқларни тубдан янгилашга киришилди. Хусусан, 2018 йил февралдан бошлаб Жиззах вилояти, Дўстлик туманидаги “Манас”, Сирдарё вилояти Ховос туманидаги, “Ховособод”, Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги “Жом” қишлоқ фуқаролар йиғинларида кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари туфайли янги қишлоқ аҳолига топширилди. Улар намунали қишлоқлар сифатида янгилангандан сўнг, ушбу тажриба республиканинг ҳар бир туманида ҳар йили 2-3 тадан қишлоқлар “Обод қишлоқ дастури” асосида янгилиниши белгиланди. Ушбу тажриба асосида 2018 йил июн ойидан эътиборан “Обод маҳалла дастури” Тошкент шаҳри мисолида оммалаштирилган бўлди.

“Обод қишлоқ дастури” доирасида 2018 йилда мамлакатимизнинг 174 та туманидаги 368 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларини комплекс равишда янгилаш кўзда тутилган. Белгиланган ишларга 3 триллион 40 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. 2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ҳар бир туманда 2 тадан, 2019 йилдан эса 3 тадан маҳалла тубдан янгиланади.

2018 йил 1 апрелигача Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика “Жамоатчилик назорати ишчи гуруҳи” вакиллари маҳаллаларда ижтимоий ҳолатни ўрганиш мақсадида Наманган вилояти Поп, Косонсой туманларида, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон ва Сарийосиё туманларида, Фарғона шаҳри ва Қува туманида, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Жиззах шаҳарларида бўлишиб, аҳолини қийнаётган ва “Халқ қабулхона”ларига келиб тушаётган шикоятлар ечими юзасидан сайёр рейдлар уюштирилиб кўпгина муаммолар ўша ерларнинг ўзида ҳал этилган.

REFERENCES

1. Раматов, Ж. С., & Баратов, Р. У. (2018). Новый подход в системе высшего образования в Узбекистане. Психология, социология и педагогика, (4), 1-1.
2. Отамуратов, С., Хусанов, С., & Раматов, Ж. (2002). Маънавият асослари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент.
3. Раматов Дж., Иноков К., Исмаилова С. и Худойкулов С. (2021). ТРЕБОВАНИЯ ОБРАЗОВАНИЯ МОЛОДЕЖИ С АКТИВНЫМ ГРАЖДАНСТВОМ. Academicia Globe: Inderscience Research , 2 (05), 1-3.
4. Раматов, Ж. С. (2021). ФИЛОСОФСКОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ И ЕГО РОЛЬ В ВОСПИТАНИИ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЕЖИ. Проблемы педагогики, (1 (52)), 16-17.
5. Раматов, Ж. С. (2021). БАҲҚАМОЛ ВА СОҒЛОМ АВЛОД–ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИНГ ПОЙДЕВОРИ. Academic research in educational sciences, 2(2).
6. Раматов, Ж. С., & Баратов, Р. У. (2018). НОВЫЙ ПОДХОД ПОДГОТОВКИ КАДРОВ С ВЫСШИМ ОБРАЗОВАНИЕМ В УЗБЕКИСТАНЕ: ПЕРСПЕКТИВА И ИННОВАЦИИ. Теоретические и прикладные науки , (4), 89-91